O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 26 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 33 (7228)

Da'vat

Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Эдуард ЛАБУЛЕ

Ibrat

Пахтаобод туманидаги Файзиобод маҳалласи оқсоқоллари махсус стипендия таъсис этишди. Маҳалла ҳудудидаги 32-ихтисослаштирилган лицей-интернат ва 19-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари ҳар ойда 500 сўмдан маҳалла стипендиясини оладиган бўлишди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъати мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди.

• Республика Маънавият ва маърифат кенгашида ўтказилган Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг йиғилишида файласуфларнинг мамлакатимизда миллий онг ва истиқлол ғоясини шакллантириш борасидаги вазифалари белгилаб олинди.

• АГКО корпорациясининг Франциядаги "Массей Фергюссон" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 25 та "МТ—8160" русумли трактор ва шунча "MF—715 АК" русумли плуг мамлакатимизда дастлаб Қашқадарё вилоятига келтирилди.

• Тошкентда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва Россиянинг "Ист Лайн" авиакомпанияси ўртасида ҳаво транспорти соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди.

• Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов расмий ташриф билан АҚШга жўнаб кетди, И.Ивановнинг маълум қилишича, ташрифдан асосий мақсад яқинда ўтказиладиган Россия ва АҚШ президентлари учрашувига тайёргарлик кўришдир.

• Кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашни тақиқлаш бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар сони яна биттага кўпайди — Малайзия парламенти бу ҳақдаги ҳужжатни тўла маъқуллади.

• Молдова ҳукумати кенг қўламда норозилик намойиши ўтказаётган талабалар билан музокара ўтказишга розилик билдирди, Бош вазир Думитру Брагиш ва талабалар етакчилари ўртасида шундай келишувга эришилди.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан Камбоджа Бош вазири Хун Сенга юборган мактубида собиқ "полпотчи"ларни суд қилиш борасида икки ўртада вужудга келган келишмовчиликларнинг бартараф қилинишига ишонч билдирди.

Тажрибаларда тасдиқланган янгилик
2-бет

КИТОБНИ СЕВИШ САОДАТИ

Республика Давлат болалар кутубхонаси ҳар вақтдагидан ҳам гавжум. Бу ерга республикамизнинг барча вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан китобни севган болалар йиғилишди.

Тадбир икки кун давом этди. Шундан сўнг "Китобсеварлар" анжуманининг энг қизиқарли паллалари Республика Давлат кутубхонасида бошланди. Вилоятларда ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари йиғилган бу кўрик янада баҳсли ва муросасиз ўтди.

Anjuman

"Мен ҳаммадан яхши биламан, мен ҳаммадан кўп китоб ўқиганман, мен ҳамма китобни ўқиганман", деган болалар ҳакамлар ҳайъати кўрсатиб берган 11 шарт бўйича беллашдилар.

Танишув, бирор асарни танлаб олиб уни изоҳлаш, китобхонликнинг аҳамияти, маънавият ва маънавий баркамол шахс ким, сизнинг хаёлингизда яратилажак асар, тезкор саволлар каби бир-биридан қизиқарли, теран мазмун касб этган шартлар ўқувчиларни илҳомлантириб, уларнинг қизиқишларини орттирди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, "Китобсеварлар" анжумани ўтган йилгидан кўра ҳар томонлама шаклланганлиги сезилди, тузилган саволларнинг пишиқ-пухталиги, ўқувчини мушоҳадага ундаши танлов ташкилотчиларининг анча меҳнат сарфлаганликларини кўрсатиб турди.

РОМАН ЁЗМОҚЧИ БЎЛГАН ҚИЗ

Ҳа, худди шундай. Танловда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси "Булоқ" гуруҳи вакили "Келажакда яратилажак асар, сизнингча қандай бўлади?" деган саволга шундай жавоб берди: "Менинг назаримда, китоб қандай мавзуда ёки қандай жанрда ёзилмасин, албатта, ўқувчи уни севиб ўқийдиган, ўша китобда ифодаланган воқеа-ҳодиса, айтилган фикрлардан тўғри хулоса чиқарадиган бўлмоғи керак. Мен бадиий адабиётга жуда ҳам қизиқаман. Китобларни севиб ўқийман. Келажакда мен ҳам бир роман ёзмоқчиман. Ёзилажак романим мустақил Ватанимизни, севимли юртимизни улуғлаган, шарафлаган бўлади, деб умид қиламан. Романимни ўқиган ҳар бир китобхон қалбида яхшилик, эзгулик уруғлари ниш уришини истайман. Мен яратган асар умрбоқий бўлишини жуда-жуда хоҳлардим".

(Давоми 3-бетда)

Назаримизда, ўқувчиларга китоб ўқишни ўргатишдан кўра, уларда китобга меҳр уйғотиш муҳимроқ. Барча болалар китоб ўқийди. Лекин ўқитувчи уларга қандай китобни ўқиш керак, китобни қандай мутолаа қилиш юзасидан маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб туриши лозим. Шунда ўқувчида китобдан "безиш" бўлмайди. Буни ким қилади? Албатта, фақат кутубхоначилар, десангиз янглишасиз.

Суратда: Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 324-мактабнинг табиат ва география фани ўқитувчиси Гулчеҳра Ғозиева кутубхонада ўқувчиларни ўз фанига оид китоблар билан таништирмоқда.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

"СОҒЛОМ АВЛОД — ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ"

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, спорт қўмитаси ва "Соғлом авлод учун" жамғармаси 26-27 апрель кунлари "Соғлом авлод — истиқлол таянчи" мавзусида "Хайрия" марафони ва илмий-амалий анжуманини ўтказишни режалаштирди.

Tashabbus

— "Хайрия" марафонида, "Меҳрибонлик" уйларида тарбияланаётган болаларни ва камдаромадли оила фарзандларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлашга ёрдам уюштириш ҳамда уларни ижтимоий томондан ҳимоялаш мақсадида, вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги таълим муассасалари ходимларининг бир кунлик иш ҳақи ва марафонга ҳомийлик қилиш истагини билдирган ташкилотлар маблағлари вилоят "Таълим" жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади ва юқорида қайд қилинган мақсадда ишлатилади", — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қурбонали Эргашев.

Президентимиз "Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир", — деб бежиз таъкидламаган. Ана шу маънода илмий-амалий анжуман жараёнида "Чекмасдан ёшлик гаштини сур", "Қизлар ҳаёт бўсағасида" мавзуларида қизиқарли суҳбат ва учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, асосий мақсад ёш авлодни тарбиялаш вазифасига қаратилади.

Ўткир ПЎЛАТОВ
Навоий вилояти

«ҚЎЛБОЛА» КОЛЛЕЖДАГИ НОХУШ МАНЗАРАЛАР...»

("Маърифат", 2000 йил 1 апрель)

Газетамизда эълон қилинган шу номли мақолада Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидаги талабаларнинг таълим олиши ҳамда маданий-маиший дам олишлари учун етарли шарт-шароит йўқлиги танқид остига олинган эди. Мавжуд ҳолатни ўрганиб, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази қуйидаги чора-тадбирларни кўрганлигини бизга маълум қилади (Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Марказининг 2000 йил 18 апрелдаги 70-сонли буйруғидан):

Bizga javob beradilar

1. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р. Раҳимов мазкур камчиликларни ўз вақтида йўқотиш чораларини кўрмаганлиги ва коллежда юзага келган салбий ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгиламаганлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида умумий раҳбарликни бўшаштирганлиги учун унга ўртача иш ҳақининг 20 фойизи миқдорида жарима солинсин. Бир ой муддатда вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртларида камчиликларга барҳам бермаган тақдирда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши эслатилсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

САМОВИЙ МЕҲМОН

Панаманинг Лос-Сантос музофоти ҳудудига бир ярим килограмм оғирликдаги метеорит қулади. Эни атиги 10 сантиметр бўлган бу самовий меҳмон ерга урилиб, диаметри 6 метр келадиган ўра ҳосил қилган. Маҳаллий университет олимларининг тахминича, мазкур жисм астероиднинг бир бўлаги бўлиши керак.

БАЛИҚЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Япон олимлари узоқ йиллар кузатишлар олиб бориб, балиқлар ҳақида янги бир маълумотни аниқладилар. Маълум бўлишича, чуқурликда ҳаёт кечирувчи балиқлар зилзила содир бўлишидан аввал сув юзасида пайдо бўлар ва хавфдан огоҳ этар экан.

ҲАЙВОНЛАР ҲИМОЯСИ

Норвегия ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш жамияти аъзолари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан эндиликда мамлакатда уй ҳайвонлари полиция ходимлари томонидан ҳимоя қилинмоқда. Ҳозирча уй ҳайвонларини асосан ўз соҳибларидан ҳимоялашга тўғри келаяпти.

УЙҚУСИЗЛИК ДАВОСИ

Поляк олимлари томонидан тавсия этилаётган, таркибига шифобахш моддалар шимдирилган ёстиқлар уйқусизликнинг энг яхши давоси сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бирга бу махсус ёстиқлар шамоллашнинг олдини олишга, асабларни тинчлантиришга, қувватни бир жойга жамлашга ҳам ёрдам беради.

Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

СЎЗ ВА РУҲИЯТ САНЪАТИ ДАРСЛИГИ

Адабиёт инсон руҳиятидаги ниҳоятда нозик товланиш ва оҳангларни илғашга, уларни акс эттиришга интилади. Ҳайрат билан яратилган бадиият намуналари инсониятни тўлқинлантиради, ҳаяжонга солади, ўй-фикрлар, кечинмалар, орзу-умидлар уммонига ғарқ қилади.

Қувонарлиси, миллий ўқитиш тизимидаги туб ўзгаришлар натижаси ўлароқ, янгиланган таълим мазмунини ўзида акс эттирган 5—6-синфлар учун "Адабиёт" дарслик-мажмуалари амалиётда қўлланилмоқда. Босқичма-босқич чоп қилинаётган дарсликларнинг навбатдагиси 7-синф "Adabiyot" дарслик-мажмуаси (Қ.Йўлдошев, Б.Қосимов) ҳам яқинда "O'qituvchi" нашриёти томонидан чоп қилинди ва у 2000-2001 ўқув йилидан педагогик амалиётга жорий этилади.

Ушбу дарслик-мажмуа ўзининг қамрови, мазмуни ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, руҳий-жисмоний ҳолатларига мос бўлиш билан бирга уларнинг маънавий оламини бойитиши, матн устида ишлаш ва фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ўргатиши, шубҳасиз.

Дарслик-мажмуада асосий эътибор сўз санъати сифатида миллий адабиётнинг яхлит эстетик ҳодиса эканлиги ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга қаратилган. Ўқувчи дарслик-мажмуа билан танишар экан, турли даврларда қатор адиблар томонидан яратилган бадиий асарлар билан ошно бўлади. Матнни таҳлил қилар экан, қиссадан ҳисса чиқаришга, мустақил фикрлашга ўрганади. Айни вақтда дарсликда берилган маълумотлар, адабий асарларни тушуниш, таҳлил этишга ёрдам беради.

Матн устида ишлаш жараёнида ўқувчи сўз ва унинг кучи, таъсир доирасини теранроқ англайди. Зеро, сўз ва унинг маъно товланишлари ўқувчиларнинг руҳияти ва маънавий оламига таъсир кўрсатади.

Мазкур дарслик-мажмуада жаҳон адабиётининг энг сара намуналари ҳам берилган. Бу асарлар орқали ўқувчи эстетик завқ олади. Айни вақтда бу асарлар ўқувчилар маънавиятининг дунёдаги нодир санъат намуналари воситасида шаклланишига ёрдам беради. Уларни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Дарслик-мажмуа учун танланган асарларда нафақат бадиий эстетик, балки тарбиявий-маърифий, таълимий-ахлоқий жиҳатлар ҳам эътиборга олинган. Ва бу асарлар янги тамойиллар асосида берилган. Аввалги дарсликларда ўқитувчи ва ўқувчи учун "қулай", яъни тайёр материал мавжуд эди. Ваҳоланки, бундай усул ўқувчиларни суст тингловчига айлантириб қўйди. Шу боис, янги дарсликда бу "қулай" усулдан воз кечилди. Ундан ташқари, дарслик-мажмуада кўплаб савол-топшириқлар, муаммолар қўйилганки, бундай йўл ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам мустақил фикрлашга, ижодий ишлашга мажбур қилади. Энди матнни ўқимасдан, фикрламасдан туриб, берилган савол ва топшириқларга жавоб бериш мумкин эмас. Бу эса ўқувчиларни ўқишга, изланишга, фикрлашга, мулоҳаза юритишга, керак бўлса, баҳслашишга чорлайди. Худди шу йўл асардаги қаҳрамонлар ҳолатини ҳис этишга, туйғуларидан баҳраманд бўлишга олиб келади.



Фикримизча, дарслик-мажмуадаги матнлар ва назарий маълумотлар ўқувчиларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишини, миллий ғурурини орттиради. Сўзнинг жозибаси ва қудратини ҳис қилишга, адиб маҳоратини англашга, фикрларини матнга таянган ҳолда асослашга ўргатади. Қисқаси, мазкур "Adabiyot" ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиб, нафис адабиётимиз ва тилимизга бўлган муҳаббат туйғуларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Мадина МАТЁҚУБОВА,
РТМ мутахассиси

Яқинда "O'qituvchi" нашриётида "Ona tili" (N.Ne'matov, A.G'ulomov, M.Abduraimova, M.Qodirov. 2000 йил) дарслиги чоп этилди.

Яқин-яқинларгача она тили машғулотларида ўқувчилар эгаллаётган билимлар, асосан тилнинг грамматик томонини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларнинг сўз бойлигини ошириш, фикрни баён қилишнинг турли усулларини амалий ўрганиш каби вазифалар эътибордан четда қолиб келди. Шу туфайли бўлса керак, ҳамон ўқувчиларимизда сўз қашшоқлиги, сўз маъноларини фарқлай билмаслик, фикрни ёзма ва оғзаки равон ифодалай олмаслик каби нуқсонлар учраб туради.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш, бунинг учун тилнинг имкониятларини тўла ишга солиш мақсадида яратилган янги дарсликнинг янги тамойиллари шундан иборатки, унда ўқувчи ўқитилмайди, ўқишга ўргатилади, билим олиш сари йўл-йўриқ кўрсатиб борилади.

Янги дарсликда таълим усулларининг амалиётга татбиқ этилганлиги она тилининг изчил курсини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг тилдан яхлит бир тизим сифатида фойдаланишида, матн устида ишлашида фонетик, лексик, морфологик ҳодисалар, бу ҳодисаларнинг ўз яшаш шароитида, боғланишли нутқда ўрганиш ва қўллаш имкониятини кенгайтириш ва ривожлантириш, ижодий қобилиятни ўстириш, ижодий фикр маҳсулотини нутқ шароитига мос равишда тўғри баён қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ҳар бир ўқувчининг изланиши, ҳодисаларни идрок этиши, саралаши, қиёслаши, уларни умумлаштириши, хулосалар чиқариши ва бошқа кўплаб вазифаларни амалга оширишда асосий восита бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

ЎҚУВЧИНИ ИЛМ ИЗЛАШГА ЧОРЛАЙДИ

Шунингдек, дарсликда грамматик талқинларга бир қатор янгиликлар киритилган. Масалан: амалдаги дарслик олмошнинг нафақат от, феъл, сифат, сон, балки феъл, равиш, тақлидий сўз, ундов гап ва ҳатто матнни алмаштира олиш, уларга ишора этиш хусусияти ҳисобга олинмаган эди. Шуларни назарда тутиб, янги дарсликда олмош, феъл, равиш, тақлидий сўзлардан кейин ўрганилиши кўзда тутилган ва бундай янги талқинлар дарсликда талайгина.

Дарслик ўзининг мазмун-моҳияти, янгича усул ва тамойилларига кўра ҳозиргача яратилган дарсликлардан тубдан фарқ қилади. Таълим усули, асосан, индуктивдир. Шунинг учун она тили машғулотларида ўқувчи оддий тингловчи эмас, фаол, изланувчан, таълим жараёнининг субъекти сифатида намоён бўлади.

Дарслик она тили таълимининг концептуал асослари — миллий маънавият ва мафкура, миллий ифтихор, ватанпарварлик, маданият ва қадриятларни ўқувчи онгига сингдириш, инсон тафаккурини шакллантириш ва тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ишлашга ундаш, ўқувчиларнинг ижодий ишлашга ундаш, ўқувчиларнинг ижодий ишлашга ундаш, ўқувчи

Рейтинг усули ўқитувчини ҳам ўз устида ишлашга, фидокор, сергак, билимдон бўлишга, ўқувчи билимини ҳаққоний баҳолашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва педагогика билим юртлари ўқувчиларининг физика, математика, иқтисодиёт ва кимё фанларига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, иқтидорли ёшларни излаш давом этади.

Ma'rifat



Пойтахтдаги 243-мактабда аъло ўқийдиган, яхши хулқли болалар кўп. 4 "Г" синфда ҳам шундай интилувчан ўқувчилар жамланган. Уларнинг интилишларини тажрибали мураббийлар аниқ мақсад сари йўналтириб борадилар.

Суратларда: (чапдан) 1. Компьютер дарсида Саодат Толипова машғулот ўтаётир.

2. Гавҳар Зуҳурованинг дарси лингафонлар ёрдамида янада самарали бўлади. 3. Эркин дарсда болалар турли ўйинлардан завқ оладилар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТАЖРИБАЛАРДА ТАСДИҚЛАНГАН ЯНГИЛИК

Jarayon

Бугунги кунда ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг усулларини қўллаш борасида мактабларимизда тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, бизнинг мактабимиз ҳам рейтинг тизими бўйича тажриба-синов майдончасига айлантирилган.

Мақсадимиз жаҳон андозаларига мос келадиган, ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналарга қулай, тушунарли, фойдали, Давлат таълим стандартига жавоб берадиган рейтинг моделини яратишдир.

Мактабимизда ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш учун қуйидагича назорат турларидан фойдаланилмоқда:

КН /кундалик назорат/ — 3 балли бўлиб, ўқувчининг чиройли ёзуви 1 балл, дарсга қатнашиши 1 балл, оғзаки жавоби 1 балл билан баҳоланади.

ОН /оралиқ назорат/ — МСТИ балли ҳисобида БМК сонига қараб балл танланади.

ЯН /якуний назорат/ — чорак охирида бутун чорак давомида ўтилган мавзулар бўйича тест олинади. Ҳар бир тўғри жавоб 1 баллдан баҳоланади /25 та савол — 25 балл ва ҳ/.

МН /махсус назорат/ — МОИ, ХТБ ходимлари томонидан тузилган тест, ёзма ишлар орқали текширилади.

БН /босқичли назорат/ — мактаб директори, илмий мудирлар томонидан фанлардан олинган ёзма иш ва тестлар ўрганилиб, таққослаб назорат қилинади.

Биз мактабимиз жамоаси билан ўқувчилар билимини кўп балли баҳолаш тест-рейтинг усулининг янги модели, яъни МСТИ /мажбурий стандарт текширув ишлари/ни ҳар бир фанга мослаб ишлаб чиқдик. Бунда биз ХТВ ва ЎзПФИТИ ходимлари ҳамкорлигида, уларнинг тавсия ҳамда кўрсатмаларига амал қилдик.

МСТИ ҳар бир фанларда маълум бир боб ёки бўлимдан сўнг олинади ва ўқувчиларнинг шу бўлим юзасидан билимлари аниқланади. Ўқувчи ҳар бир МСТИ да билиши лозим бўлган БМК /билим, малака, кўникма/ сонига қараб балланади. Бу эса ўқувчига таълим стандартлари бўйича қўйилган талаб, фанларда билиши лозим бўлган билимга мос келади. Айтайлик, 4-синф ўқиш фанидан А. Ориповнинг "Ўзбекистон" шеърини ёддан ўқиш МСТИга киритилган, бунда ўқувчи қуйидагиларни билиши шарт ва шунга асосланиб балланади:

Шеърнинг муаллифини билишга — 1 балл;

Шеърни ифодали ўқишига — 3 балл;

Шеър матнини билишига — 2 балл;

Сўз тасвирига — 4 балл;

Шоирнинг мақсадини таърифлашга — 2 балл;

Жами: 12 балл.

Чорак охирида эса ўқувчининг жами тўплаган бали, рейтинг ўрни, МСТИда тўпланган бали, ўзлаштириш шулардан келиб чиқиб фоиз (%) ҳисобида аниқланади. Ҳар бир синфда рейтинг ойнаси, ўзлаштириш графиги, диаграммаси чиқарилади, синфлар, фанлараро мусобақа, рақобат ўтказилади.

Рейтинг тизимини қўллашда муаммолар, янгиликлар вужудга келди, бу муаммолар, янгиликлар ҳамкорликда, йиғинларда таҳлил қилиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мактабимиз жамоаси рейтинг усулини жорий этиб қуйидаги хулосага келди: Кўп балли баҳолаш тизимида ўқувчилар орасидаги бир хиллик йўқолади, унинг фаолиятига тўлиқ баҳо берилади, ҳамда ўқувчи меҳнатига яраша холис баҳоланади, ўқувчини мустақил фикрлашга, кўпроқ китоб ўқишга, ўз устида ишлашга даъват этади. Кўп балл йиғиш учун ўқувчи кўпроқ изланади, фанни, ахлоқ-одоб, маънавият, ҳуқуқ ва бурч, кундалик янгиликни билишга интилади, вақт тақсимоти, ўқиш, ўрганиш, муомала ва мутолаа маданиятига эга бўлади. Шунингдек, бу усул оила, мактаб, маҳаллани бир-бирига жипслаштиради.

Рейтинг усули ўқитувчини ҳам ўз устида ишлашга, фидокор, сергак, билимдон бўлишга, ўқувчи билимини ҳаққоний баҳолашга ундайди.

Ўқувчиларни мустақил Ўзбекистонга содиқ, инсонпарвар, Президентга, Давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга кенг имкон яратади. Рейтинг тизимининг мактабда жорий этилиши нафақат халқ таълими ходимларини, балки ота-оналарни, ўқувчини, синфдан ташқари таълим муассасаларини бирлаштириб, ҳамкорликда иш олиб боришга ундайди.

Биз ўз тажрибаларимизга таянган ҳолда, рейтинг тизими ўқувчиларга ўз йўналиши бўйича касб эгаллашига ёрдам беради ва аниқ тавсиялар кўрсатади, дея ишонч билан айта оламиз.

Рейтинг тизимини бир хилликка олиб келиш учун мактабимизда ишлаб чиқилган режаларни кўпайтириб, туманимиз мактабларига, Тошкентдаги 60-гимназия мактабига, Ангрен шаҳридаги 18-мактабга, Сирдарё туманидаги 5-мактабга етказиб бердик.

Биз ўз тажриба ва натижаларимизга асосланиб рейтинг усулида баҳолаш энг адолатли усул ва бу усул бизнинг таълим-тарбия жараёнимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ойширин БОЗОРОВА,
Шароф Рашидов туманидаги "Шодлик" номли 21-мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи

«ҚЎЛБОЛА» КОЛЛЕЖДАГИ НОХУШ МАНЗАРАЛАР...»

(Боши 1-бетда)

2. Чироқчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Абдукарим Эшқулов коллеж биноси ва ўқувчилар ётоқхонасида санитария-гигиена талаблари бузилишининг олдини олмаганлиги, қишлоқ хўжалик техникасининг сақланишида, коллежда умумий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги ва кўрсатилган камчилик ва хатоларга йўл қўйганлиги учун унга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинсин.

3. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мазкур коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари Х. Эркаев коллеж ётоқхонасида ўқувчиларнинг яшаш шароитларига, коллеж ва ётоқхона бинолари ҳудудида озодаликка риоя қилишга эътибор бермаганлиги, Шўро замонида чоп этилган ва истеъмолда бўлмаган адабиётларнинг сақланишига бепарволик қилганлиги, таълим-тарбия жараёнини тегишли тартибда ташкил этмаганлиги учун у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чорасини кўрсин.

4. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Т. Норовга коллеж ўқув-тарбия ишларини ташкил этишда йўл қўйган камчиликлари учун ҳайфсан эълон қилинсин. Бир ой муддатда кўрсатилган нуқсонларни тугатиш чора-тадбирларини амалга оширсин ва унинг ишда қолиш-қолмаслиги масаласи ўқув йили якунлари бўйича кўриб чиқилсин.

5. Ушбу буйруқ Қашқадарё вилояти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинсин ва кўрсатилган камчиликларнинг бартараф қилинганлиги ҳақида марказга икки ҳафта ичида ёзма ахборот берилсин.

6. Мазкур буйруқ ижроси назорати марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари Х.Ф. Маъсудов зиммасига юклансин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари
Р. Х. ЖЎРАЕВ

АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Тараққиёт, шубҳасиз, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шундай экан, уларни маълум мақсадга йўналтириш, шу мақсад йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтириш шарт эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги 77-сонли Қарорига мувофиқ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига педагогика университети мақоми берилди ва у касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси деб белгиланди. Хўш, бугунги кунда ТДПУ билан янги турдаги ўқув муассасалари ўртасидаги алоқалар қай даражада?

Яқинда ТДПУда бўлиб ўтган "Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва педагогика университети жамоаларининг ҳамкорликларини ривожлантириш омиллари" мавзуидаги амалий семинар шу масалага бағишланди.

Анжуман аввалида университет ректори, профессор Б.Қодиров ушбу амалий семинарнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилишда амалий ишга ўтиш даври келганини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққанлар ўзаро алоқаларнинг йўналишлар бўйича дастурларини тақдим этишди.

Университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори А.Абдуқодиров ТДПУнинг имкониятлари ҳақида гапириб, бугунги кунда 21 йўналишда кундузги, 15 йўналиш бўйича сиртқи ўқиш шаклида умумтаълим предметлари ўқитувчилари, 28 йўналиш бўйича эса магистрлар тайёрланаётганини айтди. Уларга таълим бераётган 42 нафар фан доктори, 37 нафар профессор, 202 нафар фан номзоди ва доцентларнинг илмий-педагогик салоҳиятини коллеж ва лицейларга жалб қилиш, жумладан, касб-ҳунар коллежларида университет кафедралари филиалини очиш таклифини киритди.

ТДПУ проректори, доцент А.Қиргизбоев ёшлар қалбида, жумладан, касб-ҳунар коллежлари талабалари онгида она-Ватанга, тупроғимиз, анъаналаримиз ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат руҳини тарбиялаш, бу борада университет ўқитувчилари томонидан яратилган миллий мафкура, миллий ғоя, ватанпарварлик, инсонийликка оид ўнлаб рисола ва қўлланмалар қўл келишини айтиб, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гапирган ўқув бўлими бошлиғи Ф.Юзликаев, шунингдек, бўлғуси ўқитувчиларни фақат педагогик амалиёт даврида эмас, 1- ва 2-курсларданоқ лицей ва коллежларга кўпроқ олиб бориш, у ердаги шароит билан таништириш лозимлиги, бу бўлажак мутахассис учун муҳимлигини айтди.

Маркетинг бўлими бошлиғи Р.Йўлдошев касб-ҳунар коллежларида ишлаётган кадрлар қунимини таъминлаш мақсадида битирувчи талабалар билан касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ҳамда олий ўқув юрти ўртасида уч томонлама шартнома тузиш таклифини киритди. Шунингдек, тайёрланаётган мутахассислар жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрланиши лозимлигини, қабул буюртма асосида бўлишлигини таъкидлаб, ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарларини бу соҳада фаол бўлишга, ўзларига керак мутахассисларга буюртма беришга чақирди.

Музокараларда сўзга чиққан Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи директори Ж.Исломов, Миллий университет қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей раҳбари А.Юнусов, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи И.Зокиров ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклифларини айтдилар.

Ҳ.НИШОНОВ

ДИҚҚАТ, СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН МУСОБАҚА!

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва педагогика билим юртлари ўқувчиларининг физика, математика, иқтисодиёт ва кимё фанларига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, иқтидорли ёшларни излаш давом этади. 2000 йил февраль ойида қабул қилинган Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Ўзтелерадиокомпания"сининг қўшма буйруғига асосан, сиртқи телевизион мусобақанинг II босқичи апрель ойида ўтказилиши режалаштирилган эди. Қуйидаги фанлар бўйича сиртқи телевизион мусобақанинг II босқич шартлари билан танишасиз.

Эслатма: мусобақа Низомига кўра унда иштирок этиш ихтиёрий;

ғолиблар ХТВ ва ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади;

I, II босқич якунлари ҳамда III босқични ўтказиш тартиби Ўзбекистон телерадиокомпанияси, "Маърифат" муҳарририяти орқали мунтазам эълон қилиб борилади.

Жавобларни қуйидаги манзилга юборинг:

700011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69. «Маърифат» Бош муҳарририяти, сиртқи телевизион олимпиадасига (фан номи кўрсатилиши шарт).

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА
8—9-СИНФ

1. Агар икки жисм бир-бирига қараб тўғри чизиқли текис ҳаракат қилса, улар орасидаги масофа ҳар бир секундда 1,6 м га камаяди.

Агар улар бир томонга аввалги тезликлари билан ҳаракат қилсалар, улар орасидаги масофа ҳар 5 секундда 3 м га ортади. Жисмларнинг тезликларини топинг.



2. Расмда кўрсатилганидек, туташ идиш сув билан қисмдан тўлдирилиб, чап томонига баландлиги 20 см бўлган керосин, ўнг томонга эса 25 см баландликдаги керосин қуйилди. Ўрта қисмидаги сув қандай баландликка кўтарилади? ($\rho_{сув}=10^3$ кг/м^3; $\rho_к=800$ кг/м^3).

3. Бошланғич узунлиги l_0 бўлган пружинага m1- массали жисм осилди. Бунда пружинанинг узунлиги l_1-га тенг бўлди. Пружинага осилган юкнинг массаси орттирилиб борилиб m_2-га тенг бўлди. Пружинанинг l_0 дан l_2 гача чўзилишидаги бажарилган ишини аниқланг?

4. Пўкак шарча сув остида 1 м чуқурликда турибди. Пўкак сув бетига қандай тезлик билан отилиб чиқади? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м^3, пўкакники 200 кг/м^3. Сувнинг қаршилигини ҳисобга олманг.

5. Бир хил материалдан тайёрланган квадрат шаклидаги икки сим берилган. Биринчи симнинг томони a_1=1 мм, иккинчи симники a_2 =4 мм. Биринчи симдан I_1 = 10 А ток кучи ўтганда эриб кетади. Иккинчи симни эритиб юбориш учун I_2 ток кучи қанча бўлиши керак?

10—11-СИНФ

1. Бола шарсимон ҳаво пуфагини пуфламоқда. Шарча радиуси 10 см бўлганда шарча радиусининг ортиш тезлиги 1мм/с га тенг. Бола ҳар секундда қанча ҳажм ҳавони пуфлайди?

2. Жисм V_0=30 м/с тезлик билан (вертикал) тик юқорига отилди ва 2,5 с дан сўнг энг юқори нуқтасига етди.

Агар жисмнинг массаси 40г бўлса, унга таъсир этувчи ҳавонинг ўртача қаршилик кучини аниқланг.

3. Остки томонида сув томчиси осилиб турган капилляр шиша найчадаги сувнинг бир қисми тўкилиб, икки марта камайиши учун уни қандай тезланиш билан юқорига кўтариш керак?

4. Сиғими С бўлган мис конденсатор қопламаларидан бирига +Q, иккинчисига - 4 Q заряд берилди. Конденсатор қопламалари орасидаги потенциаллар айирмасини топинг.

5. Двигателнинг горизонтал жойлашган r радиусли ўқи учига m массали юк осилган ип ўралмоқда. Двигатель ЭЮК Е бўлган, ўзгармас ток манбаига уланган Ток кучи I га тенг бўлса, ўқнинг бир секунддаги айланишлар сони қанча бўлади?

МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА
8—9-СИНФ

1-МАСАЛА:

Иккита кетма-кет натурал сонлар кўпайтмаси иккита кетма-кет натурал сонлар кўпайтмасига тенг бўлиши мумкинми?

2-МАСАЛА:

Қуйидаги:

$(x+1)^{21} + (x+1)^{20}(x-1) + (x-1)^{19}(x-1)^2 + ... + (x+1)(x-1)^{21}=0$

тенгламанинг барча ҳақиқий илдизлари топилсин.

3-МАСАЛА:

Трапеция асосларининг узунликлари бутун сон бўлса, трапеция тенг учбурчакларга бўлиш мумкинлиги исботлансин.

4-МАСАЛА:

Ўлчами 5х5 бўлган шахмат тахтасида отлар жойлаштирилган. Ҳар бир от қолганларидан фақат иккитасини урадиган қилиб, кўпи билан нечта отларни жойлаштириш мумкин? (Жойлаштиришни кўрсатинг ва масала шартини қаноатлантирадиган ундан кўпроқ отлар жойлаштириш мумкин эмаслигини исботланг).

5-МАСАЛА:

Маркази О бўлган айлананинг АС ва BD ватарлари К нуқтада кесишади. Агар АКВ ва CKD учбурчакларга ташқи чизилган айланаларнинг марказлари мос равишда М ва N бўлса, у ҳолда ОМ =KN тенглик исботлансин.

10—11-синфлар

1-МАСАЛА:

Тенгламани ечинг: 19[x]-{x}=0, ([x]- х нинг бутун қисми, {x}=x —[x] -х нинг каср қисми).

2-МАСАЛА:

Тенг ёнли АВС учбурчакда АВ =ВС≠АС. Учбурчакнинг АВ томонида Е нуқта, АС томонининг давомида А нуқтадан кейин D нуқта шундай танланганки, <BDC=<ECA бўлади. DEC ва ABC учбурчакларнинг юзлари тенг эканлигини исботланг.

3-МАСАЛА:

Барча ҳақиқий х ва у лар учун f (x-y)=f (x) + f (y)- 2 ху тенгликни қаноатлантирувчи барча функцияларни топинг.

4-МАСАЛА:

a,b,c - мусбат сонлар,

$$\left(1+\frac{a}{b}\right)\left(1+\frac{b}{c}\right)\left(1+\frac{c}{a}\right)\geqslant 2\left(1+\frac{a+b+c}{\sqrt[3]{abc}}\right)$$

авс эканлигини исботланг.

5-МАСАЛА:

Учбурчакнинг энг катта томони узунлиги 1 дм. Марказлари учбурчак учларида ва радиуслари $\frac{1}{\sqrt{3}}$ дм бўлган учта доира учбурчакни тўла қоплашини исботланг.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ БЎЙИЧА
9-СИНФ

1. товарга бўлган талаб миқдори q_1=500-3р, таклиф миқдори эса q_2=6р-90 функциялар орқали берилган.

а) Талаб ва таклиф функцияларининг графиклари ясалган.

б) Товарнинг бозордаги мувозанат нархи ва ҳажми топилсин.

2. Фуқаронинг 2000 йил январь ойидаги даромади 25000 сўмни ташкил қилди. У амалдаги солиқ қонунчилигига асосан январь ойи учун давлатга қанча даромад солиғи тўлаши лозим?

3. 1998 йилда 1995 йилга нисбатан инфляция даражаси 85%ни ташкил қилса, 1998 йилда нархи 5000 пул бирлиги бўлган товар 1995 йилда қанча турган?

4. "Альфабанк" омонатга ҳар ойда 7,9% миқдорда фоиз қўшиб боради. "Беттабанк" эса ҳар кварталда 8% миқдорда фоиз қўшиб боради. 10000 сўм маблағингизни икки йил муддатга қайси банкка қўйган бўлар эдингиз?

10-СИНФ

1. Корхонасининг кунлик доимий харажатлари C_1 = 14 минг сўм, ўзгарувчан харажатлари эса C_2 =2q формула орқали ифодаланади, бу ерда q-кунлик ишлаб чиқарилган товар миқдори. Корхона ишлаб чиқарилган товарни 250 сўмдан сотмоқда.

а) Кунлик ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми аниқлансин.

б)Умумий харажат ва ялпи даромад функцияларининг графиклари ясалсин, зарар ва фойда соҳалари аниқлансин.

2. Фуқаро 2000 йил январь ойида 30000 сўм, февраль ойида 24000 сўм, март ойида эса 26000 сўм даромад қилди. У амалдаги солиқ қонунчилигига асосан бу уч ой учун давлатга қанча даромад солиғи тўлаши лозим?

3. Йиллик фоиз ставкаси 6% бўлган банкка 2,5 йил муддатга 620000 сўм омонат топширилган. Агар омонат фоизи ҳар кварталда мураккаб фоиз усули билан қўшиб бориладиган бўлса, муддат охирида омонат неча сўмга ортади?

4. Бозорда товарга бўлган талаб q_1 =26-4р, таклиф q_2=-10+8р функциялар билан аниқланади, бу ерда р товар нархи.

а) Бозордаги товарнинг мувозанат нархини, мувозанат миқдорини ва мувозанат сотув ҳажмини аниқланг.

б) Давлат томонидан товар нархи 2 пул бирлигига тенг қилиб белгиланса, бозорда нима ҳол рўй беради?

11-СИНФ

1. 1991 йилда номинал ялпи миллий маҳсулот 120 млрд. пул бирлигини, 1998 йилда эса 450 млрд. пул бирлигини ташкил қилган. Агар 1998 йилда 1991 йилга нисбатан нархлар индекси 4,5 га тенг бўлган бўлса, 1998 йилдаги реал ялпи миллий маҳсулот ҳисоблансин.

2. Йил давомида нархлар аввал 20%га, кейин эса 30% га ўсган. Иш ҳақи эса аввал 15%га, кейин эса 25%га ошган. Реал иш ҳақи қандай ўзгарган?

3. Мамлакат аҳолиси 32000000 киши бўлиб, меҳнатга қобилиятли ва меҳнат қилишни хоҳловчилар унинг 52% ни ташкил қилади. Агар ишлаб чиқаришда 14720000 киши банд бўлса, бу мамлакатда ишсизлар қанча ва ишсизлик даражаси нимага тенг?

4. Монополистик бозорда товарга бўлган талаб q=100-20р функция билан аниқланади. Ўзгармас харажатлар 50 пул бирлигига, бирлик маҳсулот учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар эса 2 пул бирлигини ташкил қилади. Монополист энг катта фойда олиш учун бозорда қанча маҳсулот сотиши керак?

КИМЁ ФАНИ БЎЙИЧА
8-9-СИНФ

1-МАСАЛА

Зичлиги 1,03 г/мл бўлган 12,33% ли 100 мл темир (II)-хлорид эритмаси орқали хлор гази ўтказилди.

Хлор газни ўтказиш эритмадаги темир (III)-хлорининг масса улуши темир (II)-хлориднинг масса улушига тенг бўлгунча давом эттирилди. Реакция учун н.ш.да ўлчанган қанча ҳажм хлор сарф бўлганини аниқланг (Хлорнинг сувда эриши ва сув билан таъсирлашуви ҳисобга олинмасин).

2-МАСАЛА

Маълум миқдордаги натрий гидрооксиднинг 2% эритмасига номаълум галоген таъсир этганда ажралиб чиққан газ сув буғлари билан ўзаро бирикиб, 2,24 л кислород (н.ш.) ҳосил қилган. Реакция учун қайси галоген ва қанча ишқор эритмаси олинганлигини аниқланг.

3-МАСАЛА

Маълум миқдордаги мишьяк сульфидига қайноқ концентрланган нитрат кислота таъсир эттирилганда 703,3 мл, азот (II)- оксиди NO (27С, 744,8 мм симоб устунида ўлчанган) ҳосил бўлди.

Реакция тенгламасини тузинг, оксидловчи ва қайтарувчини кўрсатинг. Мишьяк сульфиди ва реакция маҳсулотларининг массасини ҳисоблаб топинг.

4-МАСАЛА

Таркибида 75,3% FeS_2, 13,1% $CuFeS_2$, ва 11,6 ифлос тутган 1т пиритдан неча килограмм 78,04% сульфат кислотаэритмасини олиш мумкин. Пиритни қуйдириш вақтидаги SO_2 ни йўқотиш 1,5%, кислотани олишдаги йўқотишлар эса 0,2%ни ташкил қилади.

5-МАСАЛА

Массаси 80 г бўлган рух пластинкаси таркибида 30 г мис (II) хлорид бўлган эритмага туширилди ва бироздан сўнг унинг оғирлиги 0,2 г га ошди. Эритмадаги ҳамма туз реакцияга киришдими ёки йўқми?

10-11 СИНФ

1-МАСАЛА

Тиофенал - C_6H_5SH, метилмеркаптан -CH_3SH ва этанол аралашмасида вужудга келадиган водород бўғларни ёзинг. Уларнинг қайси бири барқарорроқ эканини тушунтиринг.

2-МАСАЛА

Қуйидаги ўзгаришлар натижасида қандай моддалар ҳосил бўлади?

C_6H_5 -CH_2-CH_3+Cl_2(1 моль) А 5%NфОН Б $ClCP_2COOH$ (hu)

В 10%NaOH (Б+Г) 50%HB_1 D+E

3-МАСАЛА

Чирчиқ шаҳридаги "Капролактам" заводида капрон толаси олиш учун ишлатиладиган капролактам циклогексанкарбон кислотасига нитрозилсульфат кислотани таъсир эттириб олинади. Бунда қандай кимёвий реакциялар содир бўлишини кўрсатинг.

4-МАСАЛА

42,6 г Al $(NO_3)_3$ эритмаси 37,2г Na_2CO_3 эритмаси аралаштирилди. Ҳосил бўлган чўкма доимий оғирликда қиздирилди. Бунда қолган қолдиқнинг массасини аниқланг.

5-МАСАЛА

Олтингугурт (IV) оксид билан кислород аралашмасининг водородга нисбатан зичлиги 24 га тенг. Газлар орасида маълум даражада реакция амалга ошганда ҳосил бўлган маҳсулотлар аралашмасининг водородга нисбатан зичлиги бошланғич моддалар зичлигидан 25% ортиқ бўлган. Мувозанат ҳолатидаги газларнинг ҳажмий фоизларини ҳисобланг.

КИТОБНИ СЕВИШ САОДАТИ

(Боши 1-бетда)

"БАРКАМОЛ АВЛОД" ГУРУҲИ БАРКАМОЛЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ

Фарғона вилояти Қува туманидаги 12-мактабнинг "Баркамол авлод" гуруҳи бу тадбирга жуда катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрганлигини уларнинг дастлабки чиқишлариданоқ англаб олса бўларди. Сабаби, улар илк танишув шартидаёқ ўзларининг нималарга қодир эканликларини йиғилганларга билдириб қўйишди. Бурро-бурро гапириб,тезкор саволларга зудлик билан тўғри, тутилмай жавоб бериб, ўқилган парча кимнинг қаламига мансуб эканлигини ҳам осонгина айтиб беришди. Эркин мавзу шартида эса улар нафақат китобни севувчи ўқувчи, балки, қойилмақом актёр, ажойиб қўшиқчи эканликларини ҳам кўрсатишди. Улар ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилган балларнинг энг юқорисига, яъни 273 баллга эга бўлишди.

Бу танловда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 17- мактабнинг "Маънавият" гуруҳи ҳам билим ва салоҳиятлари юқори эканлигини исботлашди.

Китобни севиш, уни қадрлаш ҳақида кўп гапирилади. Аслида ҳар бир мактаб ўқувчиси китобсевар бўлиши керак. Шу маънода уларни китобсеварликка қизиқтирадиган ўқитувчи ҳам бадиий адабиётни ардоқлайдиган, унинг вазифасини тўла англаб етадиган бўлиши зарур. Хоразм вилояти Шовот туманидаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гавҳаржон Матқурбонова худди ана шундай фидоий устозлардан бири экан. Унинг ўқувчилари "Муштарий" гуруҳига бирлашиб танловда иштирок этишди. "Китобхонликнинг аҳамияти нималардан иборат?" дейилган саволга ҳакамлар ҳайъати хоразмлик ўқувчилардан мукаммал жавоб олдилар.

Ўқувчилар китобхонликнинг аҳамияти, китоб ўқишнинг нима учун фойда беришини ўз дунёқарашлари, дунёни билишлари нуқтаи назаридан баҳолаб бердилар. Ва энг қувончлиси, бу баҳоларнинг ҳеч бири бир-бирини такрорламади. Ҳамма вилоят вакиллари турли-туман, қизиқарли ва янги-янги гаплар топиб гапиришди. Шу ўринда бир файласуфнинг "Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, лекин сизда ҳам мустақил фикр борлигидан қувонаман" деган сўзларини айтиб ўтишни лозим топдик. Ўқувчилар фикрламоқда. Уларнинг айтган сўзлари, билдирган фикрлари фақат ўзига хос.

Танловда китобсеварлар ҳакамлар ҳайъатига ҳам турли эътирозлар билдиришди. Бу ўз имконимни яхши биламан, ҳамма саволларга пухта жавоб бера оламан, деган ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончи эди.

Китобсеварларни тақдирлаш маросими Республика нафис санъат лицейида бўлиб ўтди. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлигининг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов шундай деди: "Ҳакамлар ҳайъати билан келишиб, ўқувчилар билимини холис баҳоладик, деб ўйлаймиз. 1-даражали диплом Фарғона вилоятининг "Баркамол авлод", Қорақалпоғистон Республикасининг "Булоқ", Сурхондарё вилоятининг "Маънавият" гуруҳларига берилди. 2-даражали диплом соҳиблари эса Сирдарё, Тошкент, Бухоро вилояти вакиллари бўлдилар. 3-даражали дипломга Наманган вилояти эришди".

Ғолибларга ва қатнашувчиларга вазирликнинг "Фахрий ёрлиқ"лари, эсдалик совғалари тақдим этилди. Ҳар бир қатнашувчига алоҳида китоб, жамоаларга эса китоблар берилди.

Сурхондарё вилояти вакиллари ёзиб келган "Китобсеварлар" анжуманининг мадҳияси муҳокамага қўйилди. Ҳар бир вилоятнинг ҳамма мактабларида танловда қатнашган гуруҳ аъзолари "Китобсеварлар" клубини тузиш, улар билан ишлаш масъулиятини олишди.

Маданият ишлари вазирлиги томонидан ҳам фаол иштирок этган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Даврлар ўзгаради, болалар улғаяди. Улар ҳаёти давомида дуч келадиган яхшиёмон воқеаларга кўп китоб ўқиш орқали, китобни ўқиб тушуниш орқали жавоб топа олса ажабмас.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Seminar

АТРОФЛИЧА ЁНДАШИЛДИ

Мулкдорлар синфини шакллантириш, уни жуда тез фурсатларда халқ онгига сингдириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу кўп йиллар давомида изчил иш олиб боришни тақозо этадиган муҳим вазифалардандир.

"Ўзбекистонда мулкдорлар синфи шакланишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва юридик асослари" мавзуидаги илмий-назарий семинарда ана шу муҳим масалаларга атрофлича ёндашилди.

Семинарни Ўзбекистон Фалсафа Жамияти президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С.Шермуҳаммедов олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И.Соифназаров, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Тўхлиев ва бошқа олимларнинг маърузаларида Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий, фалсафий, социологик йўналишлари, назарий асослари, истиқболи ва ижтимоий ҳаётда, тараққиётдаги ўрни мавзуи кенг ёритилди.

Илмий-назарий анжуман қизиқарли баҳс-мунозаралар тарзида ўтди.

Насриддин БОТИР

ЭРТАКДА ҲАМ ГАП КЎП

Халқимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, сайқалланиб, бизга қадар етиб келган мажозий эртаклар, унинг тарихи, психологияси, урф-одатлари, орзу-интилишларини билишнинг, урганишнинг манбаидир. Эртак киши ҳаётини бир қадар ҳақиқатга яқин тасвирлайди ва ҳозирги кундаги энг муҳим ва катта муаммолардан бири — бола тарбияси учун жуда қўл келади.

Ота-она ўз дилбандини дунёга келтириш билан бирга келгусида уни катта қилиш, едириш, кийинтириш, шу жумладан тарбиялаш ва таъбир жоиз бўлса, умрининг охиригача фарзандига мададкор бўлиш вазифасини маъсулият билан бажаради. Албатта, уларнинг маъсулиятсизлари йўқ эмас. Бундай ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ўзига яраша бўлиши турган гап. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади. Аслида ҳамма вақт ҳам бола тарбиясидаги нуқсонларнинг юзага келиб чиқишида ота-онани айблаш хатоликка йўл қўйиш демакдир. Чунки баъзан соғлом ота-онадан кутилмаганда туғма ногирон болалар дунёга келиши қанчалик ҳақиқатга яқин бўлса, Шоҳжаҳондек улуғ зотдан Аврангзебдек золим инсон туғилиши тарихий фактдир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, ота-она доимо бола учун жавобгар ва айбдор саналади.

Қадимда меҳнат аҳли ўз болаларини саводли қилиш, ўқитишга қурби етмаганлиги сабабли, уларни чин инсон қилиб етказиш, меҳнатни севиш ва унга ҳурмат билан қараш, катталарни ҳурмат этиш, ҳунар урганиш, чин инсон бўлиш, кишиларга доим ёрдам бериш каби эзгу ниятларни ўз эртаклари орқали ёшларга етказганлар. Эртаклардан "Ака-ука", "Ҳар кимнинг меҳнати ўзига ширин", "Кўр билан шол" кабиларни эслаш мумкин. "Ака-ука" эртагида ака ва уканинг бир-бирига меҳрибонлиги, ғамхўрлиги ифодаланган. Чунки ҳар бири иккинчисининг қийналмаслигини, тинчлигини ўйлайди. Бу эртак том маънода тарбиявий характерга эга бўлиб, ака-

Mulohaza

укаларни дўст, аҳил бўлишга чақиради — оиладаги бирдамлик, дўстликни тасвирлайди, ёшларни шундай бўлишга ундайди. Бу эса ҳозирги бола тарбияси муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилади, десам ҳақиқатдан йироқ бўлмас. Инсоният орасида камайиб кетган қадриятларни тиклаш йўлида ўзбек халқ эртакларини болаларга кўпроқ ҳикоя қилиш, мультфильмлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи "Ҳар кимнинг меҳнати ўзига ширин" эртагида меҳнатни улуғлаш ва қадрлаш кераклиги, меҳнат билан топилган танганинг ширин бўлиши, меҳнат беминнат яшаш манбаи эканлиги тасвирланади. Эртак ёшларни ҳалол меҳнат қилишга чақиради. Эртак болага таъсир қилмай қолмайди. "Эртакларда минглаб, миллионлаб кишиларда завқ ва шавқ уйгота билиш каби хусусиятлар мужассам" — деб таъкидлайди филология фанлари доктори Ғайрат Жалолов "Узбек халқ эртаклари" китобида. Шундай экан, эртаклар кишини руҳий юксаклик билан хаёлан ажойиб, гаройиб мамлакатларга саёҳат қилдириб, бирдан ҳаётий, ҳаққоний фикрларни баён этишга ўтади.

Эртакнинг ижобий хусусиятларидан яна бири улар ихчам, жонли, юксак бадиий ифодалар орқали тасвирланишидир. Уларда кўпинча қаҳрамонлар номи берилмаса-да, содда ва ихчам, айни чогда ҳаётий ва ишонарли қилиб берилгани туфайли болалар қайси қаҳрамон бой, қайсиниси камбағал ёки сахий, хасис эканлигини фарқлай оладилар.

Бир неча ой олдин Узбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканалида кўп қисмли афсонавий ҳинд эртаги "Рамаяна" видеофильми намойиш қилиниб, бир қанча мухлисларнинг кўнглидан жой олган эди. Мазкур фильм экран орқали узатилаётган чогда, айниқса ёш болалар бир жойдан силжимай фильмни томоша қилишлари киши эътиборини тортади ва бундан болани шу йўл билан тарбиялаш самарали фойда бериши мумкин эканлигини англаш қийин кечмайди. Бунинг учун чет эл эртаклари бўлиши шарт эмас. Юқорида эслатилган эртаклар доноликда, зукколикда улардан қолишмайди. Афсуски, ўзбек халқ эртакларидан мультфильмлар кам яратилган.

Феруза АҲМЕДОВА

Maktab kutubxonasiga

"ДОСТОНЛАР — ТАРБИЯ МАНБАИ"

Яқинда "Маънавият" нашриётида моҳир педагоглар О. Мусурмонова ва А. Телегеновларнинг "Алпомиш" достони материаллари асосида яратган "Достонлар — тарбия манбаи" номли методик қўлланмаси нашрдан чиқди.

Ҳаммамизга маълумки, халқ достонлари ўзининг бадиий-эстетик қиймати, ғоявий етуклиги, тарбиявий имкониятларининг кенглиги билан ажралиб туради. Уларни ушбу методик қўлланмада қўйилган бош масала — ўсмирларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда достонларнинг таълим-тарбия воситаси сифатидаги ўрни нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан саналади. Бу борада, айниқса, "Алпомиш" достони катта аҳамиятга эга. У халқ турмушининг турли ижтимоий-иқтисодий қирраларини, маънавий-ахлоқий қадриятларни, маросим ва урф-одатларни бадиий акс эттирган бой ва мукаммал бир манбадир. "Достонлар — тарбия манбаи" китобида ўрта мактаблардаги таълим ва тарбия жараёнида "Алпомиш" достони материалларидан фойдаланишга оид амалий тавсиялар ҳам берилган. Зеро, бу достон ўқувчи-ёшларнинг онги ва тафаккурини ривожлантиришга, ўзлигини англашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, "Алпомиш" достонидан оила тарбиясида, таълим муассасаларининг барча босқичларида амалга ошириладиган таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган баркамол авлодни шакллантириш соҳасидаги ишларни муваффақият билан олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Шерали КАРВОНЛИ

Saxovat

ОЛИМНИНГ БОЙЛИГИ

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган кўҳна нақл бор. Илмига амал қилувчи олимлар кўпайса, тараққиётнинг эзгу натижалари кўпайишига умид бор.

Педагогика фанлари доктори, профессор, "Халқ таълими" журнали бош муҳаррири Жўра Икромов 45 йиллик илмий-педагогик тажриба соҳиби. Олим бу даврда қизғин фаолият юритиб, 60 дан ошиқ шогирд етиштирди, таълим тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди. Ж.Икромов китобларни жуда яхши кўради. Шу сабаб, шахсий кутубхонасидаги китоблар сони 10 мингга яқинлашиб қолган ва ундан ошиб кетиши кутилмоқда.

"Кутилмоқда" дейишимизнинг сабаби шуки, домла яқинда бир савобли ишни амалга оширди, ўз шахсий кутубхонасини уйи билан, уч сотих боғчаси билан бирга Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасига ҳадя қилди. Энди олимнинг шахсий кутубхонаси Алишер Навоий кутубхонасининг Юнусободдаги филиали бўлиб қолади. Шогирдлари, дўсту биродарлари ҳам савобли ишга бош қўшиб, бу кутубхонага китоблар тақдим этиш истагини билдиришган. Шунда китоблар сони бемалол ўн мингдан ошади.

Мазкур кутубхонада илмий, методик адабиётлар, бадиий асарлар, докторлик, номзодлик диссертациялари, автореферетлар, луғатлар, хуллас, илм ўрганаман, маънавий озуқа оламан деганлар учун мўлжалланган кенг қамровли адабиётлар мавжуд. Китоблар орасида 1903 йилдан тортиб, шу йил нашр қилинганларигача бор.

— Бир йили хизмат сафари юзасидан Москвага борганимда, машҳур олим Циолковскийнинг уй-музейини кўриш истаги туғилди. Минг машаққатлар эвазига топиб борсам, эшиги қулф. Москва вилоятида жойлашган бу уй-музей ҳамда кутубхонанинг очилиши учун Москвадан рухсат олиш керак экан. Худо хоҳласа, бизнинг кутубхонамиз илмталаблар учун доимо очиқ бўлади, — дейди олим куюнчаклик билан.

Савобга интилиш халқимизнинг қонида бор. Бу борада, айниқса, зиёлиларимиз, олимлар фаоллик кўрсатишса, янада яхши. Кутубхонанинг тақдимотида сўзлаган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, агар юртимиздаги барча профессорлар шундай савобли иш қилишса, ўз кутубхоналарини халққа тақдим этишса, бунинг натижаси нақадар улкан бўлишини таъкидлади.

Олимнинг топгани — илм, бойлиги — китоблар. Олимлар — энг саховатли бойлардир. Юртимизда шундай бойлар кўпайсин.

Ҳ.НИШОНОВ

Ta'lim homiylari

БОҒЧА ҚУРГАН ШИФОКОР

Окработ... Ғиждувон туманининг бошқа қишлоқларига қараганда анча баландликда жойлашган. "Оқ олтин" жамоа хўжалигига қарашли ушбу қишлоқда юздан ортиқ хонадон бор. Қишлоқ аҳли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. "Меҳнатобод", "Шафтоли" қишлоқлари унга қўшни.

Бу уч қишлоқнинг одамлари ҳам хокисор.

Айниқса, Ўсар ака Қодиров барчанинг назарида. Етти фарзанднинг отаси бўлмиш Ўсар ака шифокор бўлиб, эртаю-кеч эл хизматида.

Қишлоқда мабодо бирор кишининг тоби қочгудек бўлса, дарров Ўсар шифокорникига чопишади.

— Одамлар ҳожатини чиқаришдан ҳам ортиқ бахт борми, — дейди Ўсар ака Қодиров. — Инсонлар дуоси олтиндан ҳам қимматдир. Энг асосийси, одамларга керак эканлигингни ҳис қилишинг .

У кишининг оналари Новвот биби ҳам қишлоқнинг гапга чечан, кайвони онахонларидан.

Юз ёш билан юзлашган Новвот бибининг суяги меҳнатда қотган. Ҳозир ҳам тетик.

Ҳа, Ўсар Қодиров қишлоқ аҳли учун анчайин хайрли ишларни амалга оширди.

Хусусан, кичкинтойлар учун юз ўринли болалар боғчаси, қишлоқдаги кўприк у кишининг ташаббуслари билан бунёдга келди.

"Окработ", "Меҳнатобод", "Шафтоли"ликлар ўз қишлоқларини меҳнатлари билан кун сайин обод қилмоқдалар.

Зеро, инсон қўли тошда ҳам гул ундиришга қодир.

Н.БОТИРОВ,
"Маърифат" мухбири

Xalqaro Tinchlik madaniyati yili

МУАММОНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЕЧИМИ

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, у ўз елкасига ўта масъулиятли, ғоятда қийин бўлган Тинчлик маданиятини шакллантириш муаммосини олмоқда. Ер куррасини инсон ва бошқа тирик мавжудотлар учун тинч-тотув, хотиржам яшаши мумкин бўлган умумий уйга айлантиришдек ўта гуманистик вазифа қўйилмоқда. Ҳозирги даврда Ер куррасининг кўпгина ҳудудларида зўравонлик ва турлича зиддиятларнинг кучайиши жаҳон ҳамжамиятини чуқур ташвишга солмоқда, чунки бу зиддиятлар глобал муаммоларнинг ечилишини кечиктирмоқда ва ҳатто уларнинг ҳал қилинишига тўсиқ бўлмоқда. Сайёрамизда йиғилиб қолган, одамларнинг ҳозирги ва келажак ҳаётига таҳлика соладиган масалалар кўпайиб бормоқдаки, уларни бир ёки бир нечта давлат, қанчалик бой ва тараққий қилган бўлмасин, ҳал қила олмайди. Уларни тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиш учун барча давлатларни бу ишга жалб қилиш керак. Бирон-бир давлатда бўлиб ўтаётган ўта хавфли ва кўнгилсиз ишлар .(ҳарбий, этник, диний тўқнашувлар, экологик ҳодисалар, қолоқ технологиялар) жаҳон ҳамжамиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йилдаги 54-сессиясида Тинчлик маданияти ҳақида Декларация ҳамда унинг Дастури қабул қилинди. 2000 йил БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан Халқаро Тинчлик маданияти йили деб эълон қилинди. Мавжуд шароитда инсонлар ҳаётига ҳурматни ошириш, зўравонликка, камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш заруриятига асосланган тамойилларни кенг қарор топтириш — Тинчлик маданиятининг моҳиятини ташкил қилади ва у бутун жаҳонда шу масалаларни тарғиб қилишни назарда тутади.

БМТнинг маълумотига қараганда, ҳаммага таълим, озиқ-овқат, ичимлик суви ва энг оддий санитария шароитлари, шу жумладан, аёллар учун гинекология ва акушерлик ёрдами яратиб берилишига эришиш ва шундай ҳолатни сақлаб туриш учун йилига 40 млрд. доллар маблағ етарли экан. Лекин, инсоният йилига қуролланишга ва унинг билан алоқадор ишларга 700-800 млрд доллар харжламоқда, лекин ундан 20 марта оз миқдордаги маблағни яхшиликка, эзгуликка - инсон умрини соғломлаштиришга, фаровонлаштиришга харжламаяпти. Бу муаммони қандай ечиш ва нималар қилиш керак? Жуда кўп муаммолар орасида зўравонлик маданиятидан тинчлик маданиятига ўтишни қандай таъминлаш лозим? Бу саволларга тўғри ва тез жавоб топиш нафақат фойдали, балки ўта зарурдир.

XXI аср арафаси жаҳонда Тинчлик маданиятини шакллантириш масалалари бўйича назарий тафаккурга ва халқаро қонунчилик фаолиятига замин ҳозирлади. 60-70-йиллардан бошлаб Европанинг бир нечта мамлакатларида ва АҚШда Тинчлик муаммоларини ўрганувчи махсус илмий-тадқиқот институтлари фаолият бошлади ва хорижий сиёсатшунослик фанининг бир йўналишига айланиб кетди. Германияда, Скандинавия мамлакатларида, Австрияда, Англияда қатор Тинчликни ўрганиш халқаро институтлари, хавфсизлик сиёсати институтлари ва илмий марказлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий мақсадлари сиёсий зиддиятларга барҳам бериш, урушларга йўл қўймаслик, бутун қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, ҳарбий куч ишлатишларга йўл қўймаслик, мудофаа тизими, қуролланишни назорат қилиш, умуман хавфсизликни юқори даражада таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш йўлида илмий изланишлар олиб бориш ва бу муаммолар бўйича прогнозлар қилишдир. Халқаро Тинчлик маданиятини шакллантириш ғояси БМТда стратегия сифатида қабул қилинди, у хавфсизлик сиёсатининг асосини ташкил қилади. Тинчлик маданияти ҳақидаги Декларацияда уни тарғибот этишда отаоналар, ўқитувчи-мураббийлар, сиёсий арбоблар, диний идоралар, журналистлар, ижодкорлар, гуманитар соҳа ходимлари етакчи ўрин эгаллаши зарурлиги алоҳида қайд қилинган.

Инсоният тақдири учун ўта аҳамиятли бўлган Тинчлик маданиятини шакллантириш, уни жаҳоннинг энг яхши анъаналари ва бой тажрибалари асосида ривожлантириб боришдек улуғвор ишни йўлга қўйиш ҳозирнинг энг яхши анъаналари ва бой тажрибалари асосида ривожлантириб боришдек улуғвор ишни йўлга қўйиш ҳозирнинг замон талабидир. Минг йиллар давомида энг буюк мутафаккирлар ва энг оддий инсонларнинг орзуси бўлиб келган тинчлик XXI асрнинг бўсағасидагина умумжаҳон орзусига айланиши мумкин.

Давлатлараро ҳар қандай муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва ҳамма учун манфаатли бўлган тўғри хулосаларга келиш, ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқларга, куч ишлатишларга қарши фаолият кўрсатиш Тинчлик маданиятининг ўзагидир. БМТнинг Тинчлик маданияти дастури иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари масалалари, аёллар билан эркаклар тенглиги, эркин ахборот тарқатиш, илм йўлларини янада кенгроқ очишга қаратилгандир. Бу дастурда Ер куррасидаги болаларнинг манфаатини 2000 йил давомида янада кенгроқ ва яхшироқ ҳимоя қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Уларнинг тенг равишда таълим олишлари, умуминсоний қадриятлардан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги айтилган. Ўқув дастурларидан инсоний ғоялар билан йўғрилган адабиётлар кенг ўрин олиши кераклиги кўрсатилган. БМТга аъзо давлатларга ушбу йўналиш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро даражада чоралар кўриши лозимлиги уқтирилган.

Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини аниқлаб олган Ўзбекистоннинг стратегик мақсади дунёда тинчликни сақлаш ишига лаёқатли ҳисса қўшиш, ўз халқи ва Ватанини омон сақлаш, фарзандларини соғлом ва баркамол тарбиялашдир. Дунёнинг кўпгина давлатлари қаторида давлатимиз жаҳон тинчлигини сақлаш ва турли шаклдаги зиддиятларни тинч воситалар билан ҳал этиш йўлида астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Президент Ислом Каримов БМТ Ассамблеяси 48-ва 50-сессияларидаги нутқларида Афғонистон можаросини сиёсий воситалар асосида тинч йўл билан ҳал этиш ва ушбу мамлакатда қурол-яроғ сотишни таъқиқлаш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролларидан ҳоли зонага айлантириш тўғрисида киритган таклифлари халқаро жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, ҳар қандай турдаги можароларни, муаммоларни фақат тинч ва ҳуқуқий йўл билан ҳал этишга, қаратилганки, у умуминсоний тамойилларга мос тушади. Бундай сиёсат жаҳон ҳамжамиятининг тинчлик тизимига тўла жавоб беради ва бу йўлда олиб борилаётган ишлар жаҳонда Тинчлик маданиятининг шакланишига ёрдам беради.

Фания АХМЕДШИНА,
тарих фанлари доктори, профессор

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

МАБЛАҒЛАР МАКТАБ ИХТИЁРИДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йилнинг сентябрь ойида "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" Қарор қабул қилган эди. Бунга жавобан Наманган туманидаги 42 та мактабга қўшимча деҳқончилик ерлари ажратиб берилди. Ҳолбуки, қарорда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишларига кенг имкониятлар яратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Халқ таълими бўлими 2000 йил учун деҳқончилик ва бизнес режасини ишлаб чиқди.

Наманганда мактабларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши янгилик эмас. Ўтган йили туман бўйича топилган соф даромад 4,5 млн. сўмни ташкил этди. Бу қўшимча маблағ илғор мактабларда ҳар бир ўқувчига 580 сўмдан тўғри келди.

Бу йилги режа ундан ҳам юқори. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жами соф даромад 11 млн. сўм бўлиши кўзда тутилмоқда. Ерларда бўғдой, шоли, карам, картошка, бодринг, помидор етиштирилади. Мисол учун, тумандаги 18-мактаб 2,5 тонна помидор, 1 тонна бодринг, 1 тонна картошка, 500 кг пиёз, 500 кг сабзи ҳосилини олади. Шунингдек, бўғдойдан бўшаган майдонларга шоли экилади ва қарийб 3 тонна ҳосил олиш кўзда тутиляпти. Соф даромад энг камида 500 минг сўмни ташкил этади. Деҳқончилик борасида бу мактаб ўртача даромад топаётган ўқув даргоҳи ҳисобланади. Ваҳоланки, яхшиният билан каттагина майдонларга уруғ сочаётган мактаблар кўп. Мисол учун, бу йил тумандаги 8-мактаб 1 га ерга 2,5 тонна сара картошка уруғини қададди. Мактаб жамоаси ундан 20 тонна картошка олади. Бу — биринчи ҳосил. Картошкадан бўшаган майдонларга шоли экилади, режага кўра 4 тонна гуруч сотиш мўлжалланмоқда.

Мактаб шу ҳудуддаги жамоа хўжаликлари билан шартнома тузди. Ажратилган ерларнинг 6 гектарига бўғдой экилган бўлса, яна 12 гектарига эса пахта экиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир далаларда тайёрлов ишлари ниҳоясига етказилди. Ерларнинг шўри ювилиб, чопилди ва текисланди. Маҳаллий ўғит берилди. Эртаги уруғлар ўз вақтида қадаб бўлинди. Мана шу ишларнинг асосий қисмини мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари бажаришяпти. Хазинада пул бўлса, уни сарфлаш учун эҳтиёж ҳам топилаверади. Жамғариладиган маблағлар мактабларнинг ихтиёрига берилади. Қисқаси, улар асосан илғор ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, биноларни таъмирлашга ажратилади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

Ҳайдовчи ёки пиёданинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этмаслиги фожиалар рўйхатини давом эттиришга мажбур қилмоқда.

Бош шифокор буни "бизнес" деб атамоқда. Унинг фикрича, ҳозирги шароитда бунинг айби йўқ эмиш.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР

Республикамизда ҳанузгача айрим ҳайдовчилар, пиёдалар, айниқса, болаларнинг айби билан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг бузилиши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари учраб турибди. Биргина 1999 йилда республикамиз автомобил йўлларида болалар иштирокида 2815 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, унинг натижасида 2438 нафар бола жароҳатланди. Энг ачинарлиси, 399 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Ҳайдовчи ёки пиёданинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этмаслиги фожиалар рўйхатини давом эттиришга мажбур қилмоқда.

А. Икромов тумани халқ таълими бўлимининг буйруғига асосан тумандаги қўшимча техник таълим мажмуаси (ҚТТМ) ҳудуд бўйича болаларга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини тарғибот қилиш, болалар ўртасида бўлаётган транспортлардан шикастланишларнинг олдини олиш бўйича марказга айланган. Марказ таркиби 7 кишидан иборат бўлиб, унга қўшимча техник таълим мажмуаси директори Р. Ибрагимов бошчилик қилади.

Бир неча йиллардан буён мажмуада йўл ҳаракати ёш назоратчилари тўгараги фаолият кўрсатяпти. Уқув йили давомида 144 соатлик дастур асосида иш олиб бораётган бундай тўгараклар мактаблар қошида ҳам очилган ва унга 50-60 нафардан ўқувчилар жалб қилинган. Ҳозирги кунда, 5 та мактаб ва ҚТТМ қошида 21 та гуруҳда жами 243 нафар ўқувчига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидалари чуқур ўргатилмоқда. Бундан ташқари, мажмуадаги "Автокупкураш", "Мотоспорт", "Картингистлар" тўгаракларида ҳам техника воситалари, уларни ҳайдашдан ташқари йўлларда ҳаракатланиш қоидалари чуқур ўргатилади.

Мактаблардаги "Ҳаракат хавфсизлиги хонаси" ва "Автомайдончалар" учун ғеҳника воситалари ва кўргазмали қуроллар етишмовчилигининг олдини олиш борасида мажмуада "Светофор", чорраҳа, автомобил нусхалари ва йўл белгилари буюртма асосида мактабларга тайёрлаб берилаяпти.

Ҳозир деярли барча мактабларда компьютерлар бор. Компьютер дискетларига йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига асосланган тестлар ёзилган. Берилган 10 та саволдан 8 тасига тўғри жавоб топса 2 дақиқа, 9 тасига 3 дақиқа, 10 тасига эса, 5 дақиқалик ўйин тақдим этилади. Бу усул ўқувчиларни жуда қизиқтираяпти. Ўқувчилар мана шундай қизиқарли ўйин ўйнаш учун йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини мукаммал ўқиб ўрганадилар ва мукофотли ўйин учун ўзларининг билим савияларини оширадилар, шунингдек, ўқувчиларнинг бош вақти мазмунли ўтади.

Тумандаги барча мактаб ўқувчилари орасида "Яшил чироқ" танловини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Тумандаги 36 та мактабнинг аввало барча синфлари орасида, сўнгра, мактаблар ўртасида танлов ўтказилади.

Шу ўринда яна бир қизиқарли тадбирни айтиб ўтиш лозим. Ўқув йили давомида мактабларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган тадбирлар қўриги ўтказилади. Қуриқда 17 соатлик машғулотларнинг олиб борилиши, ёш автомобил назоратчиларининг фаолияти, ҳаракат хавфсизлиги хонаси, бурчаги, автомайдонча, чорраҳаларда ўқувчиларнинг мактабгача таълим муассасалари, ДАН, оталар билан ўтказиладиган барча тадбирлар 100 баллик мезон асосида баҳоланади. "Яшил чироқ" танловида тўпланган баллар қуриқда тўпланган балларга қўшилади ва ғолиб аниқланади.

Яқинда туман мактаблари 5 та ҳудудга бўлинган ҳолда "Яшил чироқ" танловида қатнашдилар. Бу қурик-танловда 106, 107, 123, 189, 203, 251-мактаб ёш назоратчилари иштирок этдилар. "Яшил чироқ" танлови 15 та шарт асосида ўтказилди. Шунинг учун ҳам барча мактаблар ўз маҳоратларини ишга солдилар.

Ўқувчиларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари, йўл белгилари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашда автомайдончаларда амалий машғулотлар ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Бу ердаги барча нарсалар ҳақиқийсидан сира фарқ қилмайди. Светофор, йўл белгилари, йўлларни ажратиб турувчи чизиқларнинг барчаси, ўқувчиларнинг ёши ва қабул қилиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ишланган. Улчамларининг сал кичикроқ эканлигини ҳисобга олмаганда, чинакам чорраҳалардан фарқ қилмайди.

Ўқувчилар бундай машғулотларда фақат йўлларда ҳаракатланиш қоидаларинигина ўрганиб қолмай, балки кўнгилсиз ҳодисалар рўй берганда, қандай чора кўриш кераклигини ҳам ўзлаштириб борадилар. Энг кичик ёшдаги мактабга келган ўқувчи дастлабки кундан бошлаб, автомайдончада ўтилувчи машғулотларда қатнашиб, барча қонун ва қоидаларни аста-секин ўзлаштира бошлайди. Бунда уларга мактаб ўқитувчилари ёрдам берадилар. Туман ёки шаҳар автоназоратчилари ҳам мутахассис сифатида машғулотларни олиб бориш, ташкил этишда ўқитувчиларга яқиндан ёрдам берадилар.

Бундай тадбирлар яхши йўлга қўйилган мактаблардан бири 106-мактабдир. Шунинг учун ҳам мактабнинг йўл ҳаракати ёш назоратчилари сўнгги 12 йил ичида шаҳар "Яшил чироқ" телевизион танловида икки марта биринчи, йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слётида эса 3 марта биринчи ўринни эгалладилар.

Ф. СОДИҚОВ,
РТМ «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлимининг етакчи мутахассиси

БУ КУНЛАР

Агар қадрига етсак, ҳидоятдир бу кунлар,
Идрок этсак юрак-ла иноятдир бу кунлар.
Моҳитоб гавҳар сочар, замин бағрини очар,
Тангридан бизга келган гул ҳаётдир бу кунлар.

Тан сиҳатдир, дил сиҳат, теграю олам сиҳат,
Битта бошга бир умр кифоятдир бу кунлар.
Қад кўтарар қасрлар, тин олади асрлар,
Авлодларга бизлардан ҳикоятдир бу кунлар.

Гуландом ЭРНАЗАРОВА,
Хатирчи туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси



* *

Баҳор...
Узоқ сенга талпиндим,
Мана, яна сенга етишдим,
Қалбим, ўрик бўлиб гуллади,
Тағин гулдек нурга чўмилдим.
Бахтим шулдир,
балки қувончим,
Умримнинг маъниси,
шодлигим шулдир.
Дунёда охирги манзилим
гулдир...
Шукр, мана гулга етишдим.

Акмал ИКРОМОВ,
Республика рассомлик коллежи 2-курс талабаси

Ko'ngil bitiklari

БАҲОР

Болалик суврати сенда бор,
Сенинг-ла уйғонар гулчечак.
Пойқадам муборак, навбаҳор, —
Остона ҳатлаган келинчак.
Оқ рўмол ўраган ўриклар
Мозийни хўрсиниб эслар чоғ.
Қояга бергандай сайқал-зар,
Кулиб бош кўтарган қизғалдоқ.
Сенмасми, жамалак қизларнинг
Кокилда сочпопук жилоси?
Сенмасми, офтобдай юзларнинг
Нур бўлиб ёғилган ибоси?
Сен борсан умидга мададкор,
Ишониб яшармиз тилакка.
Тиргак бўл, ҳамроҳ бўл, эй, баҳор,
Ишқ дебон яшаган Юракка!

Жаҳонгир ФОЗИЛ,
талаба

ТАЗАРРУ

Орзу-армонлардан сўзлаган қалбим,
Умидларга жавоб излаган қалбим,
Оқибат тополмай бўзлаган қалбим,
Ҳаққим борми энди бир сўз демоққа?

Юракда қолган у аччиқ нолалар,
Айтилмай қолгандир сўнгги гиналар,
Ёш қалбни ўртаган оҳу фиғонлар,
Ҳаққим борми энди бир сўз демоққа?

Бўғзимда бўғилган қалбдаги орзум,
Мени аламларга эш этди бир зум,
Руҳимда йўқликка уланди йўлим,
Ҳаққим борми энди бир сўз демоққа?

Дўстларим кўнглида қолдирган ярам,
Чирқиллайди онам: Кетма, — деб, — болам.
Билганимни қилдим, ҳайрондир олам,
Ҳаққим борми энди бир сўз демоққа?

Гулида АБДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 10-лицейнинг 11-синф ўқувчиси

Xullas...

ҚОНУНГА ХИЛОФ "БИЗНЕС"

Тоб қочгандагина касаллик варақаси берилишини биласиз. Лекин Арзамасдаги 2-поликлиникада мазаси қочмаган кишилар ҳам ҳеч қандай хижолатбозликка ўрин қолдирмайдиган бу қоғозга эга бўлиши мумкин.

Поликлиника мудири Борис Сигал ҳар бир кунига 70 рубл қилиб белгилаган касаллик варақасини хоҳлаган киши олиши мумкин. Табиийки, кимдир чарчаган, кимдир оилавий муаммо гирдобида қолган. Уларни фақат ишдан холи равишда ҳал қилиш керак.

Бош шифокор буни "бизнес" деб атамоқда. Унинг фикрича, ҳозирги шароитда бунинг айби йўқ эмиш.

СИРЛИ ҚАРАШЛАР

Қарашда гап кўп. Психологлар ҳам таъкидлашадики, инсоннинг кўз қараши унинг юрагидагини очиқ-ойдин ифодалаб тураркан. Мана, бунга мисол.

Эстониянинг Куусалу қишлоғида яшовчи 11 яшар Лина исмли қиз ҳар қандай йиртқич ҳайвонни ҳам "эрита" олади. Қизчанинг кўзларидаги маъноли қараш ҳужумга шайланиб турган ҳайвонни "босади".

Бир куни Лина ҳайвонот боғига бориб, Америкадан келтирилган баҳайбат ҳўкизга яқинлашди. Ҳўкиз сақланаётган бўлмага кираркан, томошабинлар унинг хавф остида қолишини кутгандек бетоқат эдилар. Қизча уни шу қадар меҳр билан силаб-сийпаладики, ҳўкиз уни сузиш ўрнига "эриди". Ана шунда ҳайвонот боғи маъмурияти ҳам қизчанинг кўзларида чинданда меҳр-сеҳр борлигига амин бўлди. Ва ҳайвонлар "тили"ни пухта ўзлаштирган Линани ишга таклиф қилдилар.

ЯХШИЛИККА ТАЪЗИМ

Салехард зооветеринария техникуми талабалари 6 ойлик мушукчаларга мурувват кўрсатишди. Мурманскнинг "Чикаго" цирки артистлари бу ерга ташриф буюришганда, томоша кўрсатувчи мушукчалар негадир оғриб қолишди. Балки об-ҳаво ёқмагандир...

Техникум ўқитувчиси Ольга Заярнова мушукларни икки ҳафта лабораторияда даволади. Осма укол, вақтида овқатлантириш, қисқаси парвариш яхши бўлгач, жониворлар "ўзига" келиб қолди. Баъзан Ольга хоним уларни деб лабораторияда тонг оттирарди.

Ўзини анча тутиб олган цирк "артист"ларига нимадир етишмасди. Тушунарли, ўз эгаларини соғинишди. Даволовчи врач "чикаго"чиларга хабар берди. Хайрлашаётиб, мушукчалар Ольга хонимга шу қадар талпиниб, шу қадар сийпаланишдики...

Бу билан нима демоқчимиз, тушунгандирсиз. Ҳайвонлар ҳам яхшиликка қуллуқ қилишар экан. Шундай хислат эса айрим одамларда йўқ.

ana shunaqa gaplar...

Республика Таълим маркази раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоаси "Тарих ва ҳуқуқ ўқитиш маркази" бошлиғи Суннатилла Маҳкамовга оналари **Қумрихон ая МАҲКАМОВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

РУСТАМ ЯНА ПАРВОЗДА

Наманганда бўлиб ўтган 13 гроссмейстер иштирокидаги Марказий Осиёнинг энг кучли шахматчилари турнирида, (бу жаҳон чемпионатига саралаш ўйинлари эди) қозоғистонлик Е.Владимиров ҳамда Р.Қосимжонов, А. Ненашевлар 9 тадан очко тўплашди. Учалови ўртасидаги қўшимча ўйинлардан сўнг Рустам Қосимжонов ва Евгений Владимиров кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди.

"АЛ-ҲИЛОЛ" — ЧЕМПИОН

Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" клуби Осиё чемпионлари кубогини қўлга киритди. Улар финалда "Жубила Ивата" (Япония) клубини мағлуб этишди. Учрашувнинг охирги дақиқасида ҳисобни тенглаштирган "Ал-Ҳилол"нинг бразилиялик легионери Сержио Рикарду қўшимча вақтда "олтин гол" киритиб арабистонликларга муҳим ғалаба келтирди.

АНГРЕНЛИК ЁШ СПОРТЧИЛАР

Ангрен педагогика билим юрти талабалари кураш бўйича вилоят биринчилигида ғолиб чиқишди. Мураббийлари: Х.Мардонов, И.Раззоқов, Ғ.Қаландаров. Енгил атлетикачилар эса 16 та ўрта махсус билим юртлари ичида иккинчи ўринни эгаллашди. Билим юрти ёш спортчилари республика биринчилигига қизғин тайёрланишмоқда.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ

5-12 май кунлари Таиландда мини-футбол бўйича навбатдаги Осиё биринчилиги бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳида Эрон, Япония, Малайзия, Макао терма жамоалари билан куч синашади. Биринчи ва иккинчи ўринни олганлар ярим финалга йўл олади. Чемпионатнинг совринли уч ўрнини эгаллаган жамоалар шу йили Гватемалада бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

"МОНАКО", "МАНЧЕСТЕР"...

"Монако" клуби муддатидан олдин Франция чемпионлигини қўлга киритган эди. "МЮ" ҳам тўрт тур қолганида Англия чемпиони бўлди. Испанияда ҳам тўрт ўйин олдин "Ла Корунья" "Барселона"дан 5 очко олдинда. Италияда финишгача уч тур бор ва "Ювентус" "Лацио"ни 5 очко ортда қолдирмоқда. Германияда ҳам уч тур қолганида "Байер" "Бавария"дан 3 очко олдинда.

Bolalar-o'smirlar sport maktablari respublika birinchiligi

ГИЛАМДА БЕЛБОҒЛИ ЁШ ПОЛВОНЛАР

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон шаҳрида "белбоғли кураш" бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Тўрт кун мобайнида республиканинг Тошкент, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги БЎСМларининг 50 нафар тарбияланувчиси 10 хил вазн тоифасида чемпионлик учун қизғин беллашувда ўз маҳоратини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Мусобақа якунига кўра, Наманган вилояти командаси биринчи ўринни эгаллади. Андижон ва Тошкент вилояти командалари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

Вазн тоифаларига кўра, Намангандан Ф.Турғунпўлатов (42 кг), А.Нақиев (60 кг), Қ.Сиддиқов (76 кг), Ш.Раҳмонов (81 кг), андижонлик М.Ашуров (71 кг), Ш.Раҳимов (81 кг), сирдарёлик А.Эгамбердиев (55 кг), М.Хўжанов (65 кг), Тошкент вилоятидан Р.Турсунов (50 кг), фарғоналик Жамолидинов (46 кг) беллашув чемпионлари бўлишди.

Совринли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаганлар орасида ҳам Тўрақўрғон тумани болалар-ўсмирлар мактаби тарбияланувчилари кўпчиликни ташкил этди. Андижон вилояти Олтинкўл тумани БЎСМ вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишгани яққол намоён бўлди.

Халқимизнинг миллий курашга иштиёқи Тўрақўрғонда ташкил этилган "белбоғли кураш" беллашувини томоша қилгани келган спорт ишқибозларининг чеҳраларида яққол акс этди.

Анъанага кўра ғолиб ва совриндор командалар, мусобақа чемпионлари ҳамда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаганларга диплом ва совринлар топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Соибжон ТИЛЛАБОЛДИЕВИЧ!

Сиз бугунги кунда ХТВ фаолиятининг энг замонавий ва долзарб соҳаси — ёшларни касбга тайёрлаш, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармасини ташкилотчилик ҳамда ташаббускорлик билан бошқариб келмоқдасиз.

Биз Сизнинг ҳаётингиздаги шу қутлуғ кунларда муборак 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз ва қутлаймиз, олижаноб ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳамкасбларингиз

QUTLOV

Ҳурматли Нурилла АСАДОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳамиша Сизга соғлик-омонлик, оилавий тинчлик, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизга муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз, деб

Ғиждувон туманидаги 51-мактаб жамаоси ва яқинларингиз номидан Малоҳат.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Абдусаттор КАРИМҚУЛОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Туман халқ таълими бўлимида Ташхис маркази раҳбари сифатида олиб бораётган фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Булунғур тумани ХТБ жамоаси

Ҳурматли ҳамкасбимиз Иброҳим ТОШНАЗАРОВ!

Сизни 29 апрель — таваллуд топган кунингиз билан қутлаб, муборак 50 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 27-мактаб жамоаси

Халқ таълими раҳбарлари диққатига!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2000 йилнинг май ойида қуйидаги тоифалар бўйича режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари — 1.05.2000 йил — 29.05.2000 йил.

2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 1.05.2000 йил — 29.05.2000 йил.

3. Халқ таълими бўлими услубчилари — 1.05.2000 йил — 13.05.2000 йил.

4. Нутқида нуқсони бор болалар боғчаси мусиқа раҳбарлари — 1.05.2000 йил — 13.05.2000 йил.

Курс давомида тингловчилар таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашадилар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болали тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткалик ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг май ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

1. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти)	— ўзбек — 1-27
2. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география)	— ўзбек — 1-27
3. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги химия-биология ва физика)	— ўзбек — 1-27
4. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги математика ва информатика)	— ўзбек — 1-27
5. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар)	— ўзбек — 1-27
6. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар)	— ўзбек — 1-27
7. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	— ўзбек — 1-13
8. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	— ўзбек — 15-27
9. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (Қашқадарё ВПХМОИсида)	— ўзбек — 15-27
10. Ташхис маркази дефектологлари	— ўзбек — 1-13
11. "Ватан туйғуси" ва "Маънавият асослари" фани бўйича мақсадли курс (маърузачилар гуруҳи)	— ўзбек — 1-13
12. 7-синф табиий фан ўқитувчилари учун "Лотин ёзувини ўрганиш" курси (маърузачилар гуруҳи)	— ўзбек — 15-27
13. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирларининг маънавият ва таълим-тарбия ишлари методистлари	— ўзбек — 1-13
14. Мактаб ўлкашунослик музейи раҳбарлари (Хоразм ВПХМОИсида)	— ўзбек — 15-27
15. Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг математика ўқитувчилари	— ўзбек — 15-27
16. Янги информацион технологиялар бўйича дарс ўтиш: ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари	— ўзбек — 15-27
17. Фуқаро муҳофазаси курси (Соғлом авлод дастури асосида)	— ўзбек — 1-6

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиб-кетиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: **Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-287. Тиражи 37.728. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.